

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

**«Микрокредитбанк» АТБ Хоразм
вилояти Хива филиали
бошқарувчиси В.В.б**

М.Абдулаев



“_10_” март 2022 йил

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Xiva шахри – 2022 йил

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

Танлов иштирокчиси учун йўриқнома

1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. «Микрокредитбанк» АТБ Хоразм вилояти Хива филиали маъмурий биносини мукаммал таъмирлаш ишларини амалга ошириш.

Жами бошлангич сумма ҚҚС билан бирга: **4 997 185 733** (тўрт миллиард тўққиз юз тўқсон етти миллион бир юз саксон беш минг етти юз ўттиз уч) сўм

1.1. Бажариладиган иш турлари техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмида илова қилинади.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.2. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб йил давомида 2022 йил 31 декабрга қадар.

1.3. Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

2. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

2.1. «Микрокредитбанк» АТБ Хоразм вилояти Хива филиали (бундан кейин – “Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси хисобланади.

Хоразм вилояти Хива шахар Янги хаёт махалласи К.Девоний кўчаси №36

Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.2. Танлов «Микрокредитбанк» АТБ Хоразм вилояти Хива филиали “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 2 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловга иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар қўйилади:

- * моддий маданий мероснинг мулк обектларини асрашга доир фаолиятни амалга ошириш учун лицензия мавжудлиги;

- * Ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- * Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик – муомала ҳукуқий лаёқат ва ваколатлар;

- * Танлов обьектига ўхшаш обьектларга ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

- * Ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

- * Танлов иштирокчиси етарли машина-механизмлар билан таъминланган, соҳа бўйича зарур қурувчи-мухандисларга ва ўхшаш обьектлар қурилишида бой тажрибага эга бўлган, молиявий барқарор ташкилотлар иштирок этадилар.

- * Танлов иштирокчиси қурилиш соҳасида электрон рейтинг даражаси камидা “СС” ва ундан йуқори бўлган қурилиш ташкилотлари мазкур танловда катнашишига рухсат қилинади, электрон рейтинг даражаси “СС” дан паст бўлган хамда асосий фаолият соҳаси қурилиш бўлмаган оферентларга мазкур танловда қатнашишига рухсат қилинмайди.

- * 1-иловага мувофиқ жамланма жадвал, ишларнинг физик ҳажмлари ва обьектга ресурслар қайдномаси хамда асосий нарх шакллантирувчи компонентларга нархлар жадвали;

- * 2-иловага мувофиқ танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги хақидаги банк маълумтономаси, ёки кўрсатилган маблағларни тақдим этишга банк кафиллиги;

- * Қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турмаганларга, мол-мулки мусодарага олинмаган, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳукуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд бўлмаганларга. Икки ёки ундан ортиқ пурдат ташкилотлари биргаликда (консорциум ташкил этиш орқали) иштирок этишларига рухсат этилмайди.

- * Соликлар ва бошқа мажбурий туловларни тўлаш бўйича карздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумтонома

- * Банкдан муддати ўтган кредит карздорлиги хамда бошқа карздори мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумтонома.

- * Охирги 3 йилги тасдикланган қурилиш ишларини кабул қилиш далолатномалари.

Изоҳ: Ҳарид иштирокчисининг чегирмаси бошлиғи нархга нисбатан 5 фоиздан кўп бўлган тақдирда, ушбу иштирокчи ҳарид жараёнидан четлатилади.

* Танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (20 % дан кам бўлмаган ҳолда).

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаш зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда порталга электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов хужжатларида қуидагилар тақдим этилиши лозим:

* Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қуидаги техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

* Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўлов талаблари ва якуний тўловлар, ҳамда бошқа кўрсаигичлар кўрсатилган бўлиши керак

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифи электрон тарзда etender.uzex.uz маҳсус электрон савдо порталида жойлаши лозим.

4.4. Қуидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуидаги таклифлар:

4.5. Танлов иштирокчиси : - ФАҚАТ БИТТА таклиф бериши мумкин;

4.6. Тақдим этилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларининг хаққонийлигига ўзи жавобгар бўлади.

Таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат ҳаридлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2. Ҳарид комиссияси давлат ҳаридлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдирлар.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ... ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб

топилганидан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатлариға ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугаган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Танловни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатлариға ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартириш киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки иш куни олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориш шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартираслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда, ундан олдин олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижалариға доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундан сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

Масъул шахс: Мирзабек Маткаримов